IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: DD2151485667

# YURIDIK AHAMIYaTGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

## № FP20625811

1. Loyixaning turi: Shartnoma

2. Loyixaning nomi:

Keyingi o'rinda «Qaldirg'och" xususiy korxonasi bundan keyin "BAJARUVChI" deb nomlanuvchi korxona nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi rahbari Ne'matillo Zulpiqorov bir tomondan va ikkinchi tomondan Asaka Xalq Ta'limi bo'limi bundan keyin "BUYuRTMAChI" deb nomlanuvchi nomidan rahbari N.Kamoldinovlar o'rtasida tuzilgan haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi;

3. Loyihaning ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Asaka tumani xalq ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 22.07.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti M.Abdivoxobov

2022-yil 22-iyul

# Ш А Р Т Н О М А №11

**Андижон вилояти** «08» 06 2022 йил

**Кейинги уринда «Қалдирғоч" хусусий корхонаси бундан кейин "БАЖАРУВЧИ" деб номланувчи корхона номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Неъматилло Зулпикоров бир томондан ва иккинчи томондан « Асака халк таълими » бундан кейин "БУЮРТМАЧИ" деб номланувчи номидан раҳбари Н. Баколдинов лар ушбу шартномани туздилар:**

## 1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ

**1.1. "БАЖАРУВЧИ" "БУЮРТМАЧИ" топшириғига асосан "БУЮРТМАЧИ"га тегишли бўлган шартномада келишилган Электртехник лабаратория синов ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса бажарилган ишлар, хизматларни ҳақини ўз вактида тўлаш мажбуриятини олади..**

**1.2. Шартномани умумий суммаси:** Эллик туккиз миллион бир юз кирк туккиз туккиз юз туксон саккиз

(шартноманинг умумий суммаси сўз билан)

| № | Бажариладиган ишлар ва хизматлар номи | Микдори | Сони | Суммаси | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Контур куригидан утказиш | дона | 360 | 39850 | **14 346 000** |
| 2 | Электр яшик куригидан утказиш | дона | 600 | 29850 | **17 910 000** |
| 3 | Электр кабель куригидан утказиш | булак | 386 | 24900 | **9 611 400** |
| 4 | Автомат – 380 куригидан утказиш | дона | 60 | 28345,8 | **1 700 748** |
| 5 | Автомат -220 –куригидан утказиш | дона | 2510 | 2450 | **6 149 600** |
| 6 | Включатель –куригидан утказиш | дона | 3145 | 1450 | **4 560 250** |
| 7 | Розетка –куригидан утказиш | дона | 5250 | 928 | **4 872 000** |
| Х | Ж А М И : | ххххх | | | **59 149 998** |

**Жами: Эллик туккиз миллион бир юз крик туккиз минг туккиз туксан саккиз минг сум**

## 2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

**2.1. Бажариладиган иш ва хизматлар Бажарувчининг хисоб рақамига 30% олдиндан тўлов келиб тушган кундан бошлаб, 30 кун" муддат ичида "БУЮРТМАЧИ"нинг иш жойида амалга оширилади.**

**2.2. "БУЮРТМАЧИ" хизмат кўрсатишни амалга ошириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун "БАЖАРУВЧИ"га маъсул ходимини тайинлайди.**

**2.3. "БУЮРТМАЧИ" бажарилган ишлар сифатини текшириб боради ва ,сифатсиз бажарилган ишлар хизматларни ўз вактида бартараф этишда ўз таклиф ва мулохазаларини киритиш хуқукига эга.**

**2.4. "БАЖАРУВЧИ" томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ўз вактида хисоб вараклар тақдим этилади ва бажарилган ишлар кабул килиш далолатномаси оркали қабул килиб олинади. Зарур ҳолатларда солиштирув далолатномалари тузилади.**

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.**

**3.2 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни кабул қилиб олишни таъминлаш хамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.**

## 4. ИШ (ХИЗМАТ) ЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

**4.1. Кўрсатилган хизматлар баҳоси Ташкилот ёки унинг юкори ташкилоти томонидан ўтказилган танлов (тендер) савдосига тақдим этилган таклифларда кўрсатилган баҳолардан ошиб кетмаслиги шарт.**

**4.2. Буюртмачи томондан шартноманинг ,ойлик тўлов жадвали асосида 30% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади.**

**4.3. Буюртмачи кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг қолган 70% бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида шартноманинг тўлов жадвали асосида иш (хизмат)лар бажарилгандан сўнг 90 кун ичида амалга оширади.**

4.4. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Ташкилот томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Табиий офатлар, уруш ва уруш ҳаракатлари, сафарбарлик, касалликлар тарқалиши, ёнғин, портлаш, ёппа намойишлар ва давлатнинг энг юқори бошқарув органларининг юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича чиқарган қонунлари ва қарорлари шартнома шартларини тўлиқ ёки қисмни бажаришда озод қилишга асос бўлади.

5.2. Шартноманинг бутунлай ёки-қисман бажарилишига форс-мажор ҳолати 2 ой ёки кўпроқ таъсир кўрсатганида томонлар шартнома мажбуриятларини бажаришдан бутунлай ёки қисман озод қилинади ва унинг ҳисобидан кўрилган зарарни иккала томон ҳам қопламайди.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

6.2. Мазкур шартномага асосан бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

6.3. Шартномага мувофиқ тўлов талабномаси акцепини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқ ва шаклларида бажарилган ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 30 % миқдорида жарима тўлайди.

6.4 Бажарувчи ишларни, хизматларни шартномада белгиланган муддатда бажармаса ўз мажбуриятларини бузганлиги( учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандарт, меъёрларга ва қоидаларга, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, Буюртмачи ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Бажарувчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома имзолаб тегишли Ғазначилик булинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

## 9.ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

**"Иш бажарувчи"**

«Қалдирғоч» хусусий корхонаси.
Асака шахар, Қаноат кўча 9 уй
Х/Р 20208000204024716001
ИНН 203094715 МФО 00893
Миллий банк Асака филиали.
ОКНХ 61 124
Тел : 93 706 00 41. 93 706 31 35
Раҳбар:__________ Н.Зулпиқоров.

**"Буюртмачи"**

Номи__________
Манзили__________
Ш/х.в__________
ИНН__________ОКНХ__________
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
ИНН:201122919 МФО 00014
Ғ.Х.В23402000300100001010
МБ Тошкент шахар ББ ХККМ
Раҳбар:__________